

ЭРТАК СЮЖЕТИДА ЗАНЖИРЛИЛИК ВА УНИНГ БАЪЗИ ХУСУСИЯТИЛАРИ

Абдукамол АБДУЖАЛИЛОВ,

Ўз РФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

E-mail: abdujalilovabdukamol@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15006294>

РЕЗЮМЕ: Ушбу мақолада халқ оғзаки ижодининг эртақ жанри таркибида учрайдиган занжирли (кумулятив) эртақлар ҳамда эртақ сюжетидаги занжирлилик ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: халқ оғзаки ижоди, эртақ, жанр, занжирли эртақ, занжирли сюжет, занжирли мотив, хусусият, формула

РЕЗЮМЕ: В статье рассматриваются цепные (кумулятивные) сказки, встречающиеся в жанре сказки народного творчества, а также цепочной характер сказочных сюжетов.

Ключевые слова и выражения: народное творчество, сказка, жанр, цепочная сказка, цепочной сюжет, цепочной мотив, особенность, формула

RESUME: The article examines chain (cumulative) tales found in the genre of folk tales, as well as the chain nature of fairy tale plots.

Key words and expressions: folklore, fairy tale, genre, cumulative fairy tale, chain plot, chain motif, feature, formula

Занжирли (кумулятив) эртақлар ва эртақ сюжетидаги занжирлилик жаҳон ва ўзбек фольклоршунослигидаги ҳали атрофлича тадқиқ қилиниши лозим бўлган илмий масалалардандир. Атама сифатида қабул қилинган “кумуляция” лотин тилидаги “*cumulare*” сўзидан олинган бўлиб, *тўплаш*, *йигиш*, *жамлаш*, *кучайтириш* маъноларини англатади. Фольклоршунослик фанида эса, эпик жинсга мансуб эртақларнинг айримларидаги воқеа-ҳодисаларнинг қайта-қайта такрорланиши ва тадрижийлигига асосланган махсус турига нисбатан қўлланилади. Бу каби эртақлар ўзбек фольклоршунослигида *кумулятив*, *занжирли эртақлар*, рус фольклоршунослигида *цепочная сказка*, *кумулятивная сказка*, *рекурсивная сказка*, *цепевидная сказка* тарзида, инглиз ва европа фольклоршунослигида эса *cumulative tale*, *accumulative tale*, *formula tale*, деб аталади.

Мавзуга доир илк изланишлар америкалик фольклоршунос олим Арчер Тайлорга тегишли ва у биринчилардан бўлиб халқ эртақлари орасида занжирли

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

эртақлар борлигини қайд қилди ва уларни “формулали эртақлар” номи остида Анти Аарне ва Стиз Томсоннинг таснифига киритди.¹

Машхур рус фолькоршуноси В.Я.Пропп эса бевосита мавзу билан алоқадор “Кумулятивная сказка” номли катта мақола ёзди.² Ушбу мақоланинг XX аср иккинчи ярмида қайта нашр қилиниши занжирли эртақлар мавзусини яна бир бор даврнинг долзарб масаласига айлантди. В.Я.Пропп занжирли (кумулятив) эртақларни тадқиқ қилар экан, аввало, унинг структурал жиҳатларига эътибор қаратади. Бу каби эртақларда биргина ҳаракатнинг кетма-кет, тадрижийлик асосида қайтарилишини урғулаб, буни занжирли эртақларнинг асосий мезони сифатида кўрсатади. Мақоланинг бир ўрнида олим занжирли эртақларни жанр сифатида қайд этади.³ Бироқ занжирли эртақларнинг ўзи эртақ жанри доирасида бир қанча турга мансублиги (масалан, мажозий занжирли эртақлар, сеҳрли занжирли эртақлар каби) олимга уларни алоҳида жанр сифатида баҳолашга имкон бермаган бўлса керак. Шундай бўлсада, В.Я.Проппнинг ушбу мақоласи мавзуга доир кейинги тадқиқотларга замин яратди ва Н.Рошияну⁴, В.П.Аникин, Н.М.Герасимов,⁵ Д.А.Носовлар⁶ каби олимларнинг тадқиқотларида занжирли эртақлар масаласи чуқурроқ тадқиқ қилинди.

Ўзбек фольклоршунослигида эса бу масалага ўтган асрнинг охирироғларида мурожаат қилинди. Унгача кўп ҳолларда худди жаҳон фольклоршунослигидаги каби занжирли эртақлар ҳайвонлар ҳақидаги (мажозий) эртақлар турига киритилган. Фольклоршунос олим Аскар Мусақуловнинг “Уч эчки” эртаги ҳақида” номли мақоласида айнан зандирли эртақ ва унинг назарий асосларига оид дастлабки фиклар келтирилган.⁷

А.Мусақулов мақолада занжирли эртақларнинг насрий ҳамда шеърый қисмлардан тузилишини, ўзига хос тарзда баён қилиниши (кечаси айтилиши, эртақ қаҳрамонларининг овозига тақлид қилиниши, сюжет таркибидаги бирор

¹ Taylor A. A Classification of Formula Tales // The Journal of American Folklore. – 1933. – Vol.46, №179. – P. 77-88.

² Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: 1976. – 327с.

³ Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – М.: 1976. – 342с.

⁴ Рошияну Н. Традиционные формулы сказки. – М., 1974. – 216 с.

⁵ Герасимова Н.М. Формулы русской волшебной сказки (Проблемы стереотипности и вариативности традиционной культуры) // Советская этнография. 1980. № 5.С. 18-28.

Герасимова Н.М. Фигура медиации в русской волшебной сказке // Кунсткамера. Этнографические тетради. – СПб., 1995. Вып. 8-9. С. 241-250

⁶ Носов Д.А. Монгольская народная кумулятивная сказка. MONGOLICA-IX: сб.ст. – СПб.: St. Petersburg. 2010. – С.84-90.

⁷ Мусақулов А. Уч эчки эртаги хусусида // Соғлом авлод учун. – Тошкент: 1997. – № 7. – Б.21-22.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

қисм ортиши ёки қисқартирилиши мумкинлиги)ни таъкидлаб ўтади. Олимнинг бу мақоласи ҳажман кичик бўлса ҳам унда жуда долзарб масалалар кўтарилган.

Яна бир фольклоршунос олим Шомирза Турдимов эртак айтувчилардан бир қанча занжирли эртакларни ёзиб олиб нашр этиш баробарида, уларнинг айримларини тадқиқ ҳам қилади. Жумладан, “Тухумбой ва буйракбой” эртаги ҳақида олимнинг “Борса келмасдаги хазина”⁸ номли мақоласида жуда муҳим фикрлар баён қилинади. Ш.Турдимовнинг таъкидлашича, занжирли (кумулятив) эртаклар инсониятнинг энг қадимги даврларида яратилган халқ оғзаки ижоди намуналаридандир. Олим занжирли эртакларнинг структурал жиҳатлари билан бир қаторда, асосан, маъно-мазмунига кўпроқ урғу беради.

Мавзуга алоқадор йирик илмий ишлардан яна бири О.А.Холмуродованинг “Ўзбек ва инглиз кумулятив эртакларининг қиёсий-типологик тадқиқи” номли тадиқоти ҳисобланади⁹. Олима занжирли эртакларнинг назарий асосларини ўрганар экан, куйидаги муҳим ўринларни келтириб ўтади ҳамда уларнинг ҳар бирини аниқ мисоллар билан таҳлилга тортади:

“Кумулятив эртакларни сиртдан кузатиши давомида ҳам уларга хос куйидаги хусусиятларни алоҳида ажратиш санаиш мумкин: 1. Кумулятив эртаклар тузилишининг занжирли кўринишига эга эканлиги. 2. Эртак қаҳрамонларнинг ҳайвонлар, турли буюм, ашёлар ва қисман одамлардан иборатлиги. 3. Эртак матнида формула шаклини олган савол-жавобларнинг муҳим ўрин тутиши. 4. Матн таркибида шеърини қисмларнинг алоҳида ўринга эгаллиги. 5. Эртак композицияси бошлама, занжирли тавсиф ва хотимадан ташкил топиши. 6. Мажозийлик ва рамзийликнинг устувор кўриниши олиши. 7. Шартлиликнинг асосий усул сифатида намоён бўлиши.”¹⁰

Занжирли эртакларнинг юқорида ажратиш кўрсатилган хусусиятлари ушбу тур ҳақида аниқ ва тўлиқроқ хулосалар беришга хизмат қилади.

Демак, жаҳон ва ўзбек фольклоршунослигида “занжирлилик” тушунчаси сюжет қурилиши тўлиқлигича мотивларнинг такрори ва тадрижийлигига асосланган махсус эртак турларига нисбатан қўлланилган. Аслида эса, кузатишлар бу ходисанинг фақат занжирли (кумулятив) эртаклар билангина чекланиб қолмаслигини кўрсатади. Шу сабабдан биз ушбу мақоламизда

⁸ Турдимов Ш. Ҳикмат хазинаси. – Тошкент: “O‘zbekiston”, 2016. – В. 3-54.

⁹ Холмуродова О.А. Ўзбек ва инглиз кумулятив эртакларининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол. фан. бўйича фалсафа доктори дисс. – Тошкент, 2020. – 148 б.

¹⁰ Ўша манба, 48 бет.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

занжирлилик ҳодисасининг ҳали ўрганилмаган жиҳатларига эътибор қаратишни мақсад қилдик.

Аввало, занжирлилик ҳодисасини эртак жанри миқёсида урта турга ажратиб ўрганиш керак, бизнингча. Булар қуйидагилар:

1. Бир қанча мотивларнинг маълум бир эртак сюжети таркибида камида уч марта такорларишидан ҳосил бўладиган занжирлилик;

2. Биргина эртак сифатида ижро қилинган, аммо таркибида бир қанча мустақил сюжетларнинг мазмуний бирлашишидан юзага келувчи занжирлилик;

3. Сюжет қурилиши тўлалигича биргина ҳаракат ёки ҳолатнинг тадрижийлик асосидаги такрорига асосланган занжирлилик, (яъни занжирли эртаклар).

Халқ яратган мумтоз эртак намуналарининг деярли барчасида биргина ҳаракат ва ҳолатнинг бир неча бор такрорланиши жуда кўп кузатилади. Мисол учун “Ота васияти”, “Ур, тўқмоқ”, “Эркенжа”, “Олтин тарвуз”, “Чўлоқ бўри” каби эртакларда занжирлиликнинг биз ажратиб кўрсатган биринчи турини кузатишимиз мумкин. Бундан кўзланган мақсад эса, эртак мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб турлича бўлади. Баъзи эртакларда такор қаҳрамоннинг бирор тилагига эришгунича давом этади. Мисол учун, “Ота васияти” номли эртак:

“Бир одамнинг уч ўғли бор экан, ўладиган вақтида катта ўғлини чақириб:

– Ўғлим, мен ўлсам уч кун гўримни пойлайсанми? – дебди. Ўғли:

– Йўқ, мен пойламайман, – дебди. Отаси ўртанча ўғлини чақириб:

– Ўғлим, мен ўлсам сен гўримни уч кун пойлайсанми? – дебди. Ўртанча

ўғли:

– Йўқ, мен пойламайман, – дебди. Кичик ўғлини чақириб:

– Ўғлим, мен ўлсам уч кун гўримни пойлайсанми? – деб сўрабди. Кичик

ўғли:

– Ота, уч кун эмас, юз кун пойлагин, десангиз ҳам пойлайман, – дебди.

Васият тамом бўлгандан сўнг, ҳалиги одам ўлибди”.¹¹

Ёки “Чўлоқ бўри эртагида подшоҳ тилла дарахтнинг барглари қандай қилиб йўқолаётганини аниқламагунча уни ўғилларига пойлатади:

“Бир подшоҳнинг уч ўғли бор экан. Подшоҳнинг катта боғи бўлиб, боғида бир туп чинори бор экан. Бир қуш келиб ҳар куни бир баргини олиб кетар экан.

¹¹ Сув кизи. (сеҳрли эртаклар). ЎХИ кўпжилдлиги. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: М.Афзалов, З.Хусаинова, Н.Собуров. –Тошкент: Бадий адабиёт, 1966. Б – 67.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

Подшоҳ ғазабланиб катта ўглини пойлатибди. Эртасига ўртанчисини пойлатибди. Учинчи куни энг кичкинасини қўйибди. Ўша куни бир тилла қуш келиб, чинорнинг битта баргини узиб кетибди. Кичик ўгли:

– Ота, бир тилла қуш келиб, баргини узиб кетди. Отишга кўзим қиймади, – дебди”.¹²

Яна баъзи эртақларда ҳаракат ёки ҳолатнинг такроридан мурод – қиёслаш (“Олтин тарвуз” эртаги); рақиб томоннинг барча шартларини тўлиғича бажариш (“Чўлоқ бўри”, “Сув қизи” каби эртақлар); яхшилик эвазига берилган сийловни тўқис олиш (“Ур, тўқмоқ” эртаги), сюжет давомида келадиган синовларни бажариш учун кўмқачиларга эга бўлиш (“Эркенжа” эртаги) тарзда намоён бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу каби такрорлар ҳар сафар бир хил бўлмайди. Мазумунан, ўзгариб, даражаланиб боради. Бу эса сюжет такомили ва композицияси учун аҳамиятлидир.

Биргина эртақ сифатида ижро қилинган, аммо таркибида бир қанча мустақил сюжетларнинг мазмуний бирлашишидан юзага келувчи занжирлилик кузатиладиган эртақлар ўзбек халқ ижодида унчалик кўп эмас. Қолаверса, бундай занжирлилик, асосан, сайёр сюжетлар асосида халқ томонидан яратилган эртақларда учрайди. Мисол учун, “Беш қиз”, “Тулкичак”, “Тул Санобарга нима қилди, Санобар Гулга нима қилди”, “Сирли гилам” каби эртақлар бир қанча мустақил, лекин умумий сюжетга мазмунан боғланган сюжет линияларидан ташкил топган. “Сирли гилам” эртагида қаҳрамон бир сирни билиш учун бир нечта кишиларга мурожаат қилишига тўғри келади. Уларнинг ҳар бири эса, алоҳида ўз бошидан кечирганларини баён қилиб беради. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари орасида бундай эртақларнинг яратилишига араб халқларининг оғзаки ижод намунаси бўлмиш “Минг бир кеча” эртақларнинг таъсири катта.

Бундай эртақлардаги зажирлиликнинг сабабларини ҳам турлича изоҳлаш мумкин. Мисол учун, “Минг бир кеча” эртақларидаги юзга яқин маиший ва сеҳрли эртақларнинг бир тизимда келишига сабаб жуда қизиқарли ва ҳаётий тарзда кўрсатилган. Асар аввалида келтирилишича, бир улуғ подшонинг хотини унга хиёнат қилади. Бундан жуда ғазабланган подшо ҳар куни бир қизга уйланишга ва эртаси кунинг уни қатл қилишга онт ичади. Ҳолат шу даражага етадики, мамлакатда подшо ёнидаги вазирнинг Шаҳризод исмли қизидан бўлак бирорта бўй қиз қолмайди. Подшо вазирдан ўз қизини ҳам ўзига хотинликка

¹² Зумрад ва Қиммат. (сеҳрли эртақлар). ЎХИ кўпжилдлиги. Тузувчи: К.Имомов. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1988. Б – 123.

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

беришни талаб қилади. Нима қиларини билмай қолган отанинг ҳолатидан хабар топган қиз подшога турмушга чиқишган рози бўлади. Тўй куни кечаси малика Шаҳризод подшони ўзидан эртақ эшитишга кўндиради ҳамда жуда қизиқ бир эртақ бошлаб, унинг энг қизиқ жойида таққа тўхтатади. Подшо ундан эртақнинг давомини айтишини талаб қилганда эса, эртақ фақат кечаси айтилишини ҳозир тонг отганлигини, ўзи ҳам чарчаганини баҳона қилади. Эртақнинг давоми нима билан якун топишига жуда қизиқиб қолган подшо малика Шаҳризодни бир кунга омон қолдиради. Бироқ малика эртаси куни кечаси эртақини давом эттириб, яна энг қизиқ жойига келганда тўхтатади. Бу ҳолат кунлаб, ҳафталаб давом этади. Вақт ўтиши билан подшо ҳам Шаҳризодга кўнглил қўяди. Айтилишича, минг бир кеча давом этган бу ҳолатда малика Шаҳризода биргина эртақни айтмаганлиги аниқ. У бунда юзга яқин биридан мустақил араб халқ эртақларини моҳирлик билан ўзаро боғлаб юборган. Бундан кўзланган мақсад, албатта, кўпроқ яшаш, подшога ҳамма аёллар ҳам ёмон эмаслигини тисботлаш ва бу орқали мамлакатдаги бошқа бўй қизларни асраб қолиш эди.

Ўзбек халқ эртақлари орасида ҳам мана шундай сюжетли эртақлар бор ва уларнинг келиб чиқиши “Минг бир кеча”га бориб тақалади. Бироқ улар орасида келиб чиқиши “Минг бир кеча” эртақларига боғланмайдиган бир неча мустақил сюжетли эртақлар ҳам йўқ эмас (мисол учун, “Тулкичак” эртақи).

Худди “Минг бир кеча”даги каби эртақ сюжетини атай чўзиш ёки қисқартириш ҳам бевосита эртақчи ва уни тингдаётган аудитория билан бевосита алоқадор. Бу ҳақда фольклоршунос олим А.Мусақулов ёзади:

“Мен Зулфия опага, “Эртақларни кўп биларкансиз, менга ҳам биттасини айтиб беринг”, деганимда, у киши, “Бир эртагим бор, ҳам узун, ҳам калта”, дедилар. “Узуни қанча-ю, калтаси қанча?” деб сўрадим. “Узунига кун ботиб, тонг отади, калтаси бир чой қайнагунча етади”, деди опа. “Ўртачасини айта қолинг”, дедим. Шунда опа эртақнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган қисқартирилган вариантини айтиб берди. Гап шундаки, опа бу эртақни бувисидан эшитган, кечқурунлари ҳали мактабга бормайдиган ўз набиралари ва қўшни болаларига айтиб берар экан. Бундан ушбу эртақ беш авлод вакиллари – буви, она, эртақчи, эртақчининг қизи ёки келини, эртақ тинглаётган болаларга маълум деган, мантиқий хулоса чиқади.

Эртақнинг тузилиши, яъни насрий ва шеърый қисмлардан иборатлиги, баён этилиши жараёни ҳам ўзига хосдир. Агар болалар тезда ухлайвермаса, эртақдаги эчкилар сони ўнtagача етиб, эртақ анча чўзиларкан, болаларнинг

“IZLANISH SAMARALARI”

№9 mavzusidagi respublika an'anaviy ilmiy-nazariy anjumani

уйқуси қистаса, уч эчки ҳам кифоя қиларкан. Эчкилар миқдори бундан камайтирилмас экан. Мен бунинг сабабини сўраганимда она, “Бувимлар ҳам шундай айтар эди”, деб жавоб бердики, бу анъананинг ўзига хос бир кўринишидир”.¹³

Демак, эртакчи аудиториянинг ҳолати ёки талабидан келиб чиқиб, сюжет таркибидаги маълум бир қисмни қисқароқ қилиши ёхуд истаганича чўзиши мумкин экан.

Шу ўринда ўзбек халқ занжирли (кумулятив) эртаklarини санаб ўтмоқчимиз: *Тухумбой билан буйракбой, Қумурсқа полвон, Уч эчки, Сусамбил, Бит ўлди-бурга азадор бўлди, Бўз бола, Ойжамол билан кал, Бўри билан мерган, Бўри билан кўзичлоқ, Чивинбой, Чу-чу мекунам, Кўнгиз бикач, Оч бўри, Тулки билан бўри, Тулкибой, Сусамбил, Қарга билан кўзичоқ, Бўри билан тулки, Кампир билан шақол, Жовур чол, Олтмиш оғиз ёлгон, Ношуд бола, Ичак билан пуфак, Пуфакбой, Кўккина қуш, Майна, Булбул, Мусича, Чол билан кампир, Сичқон қиз, Аҳмоқ бўри, Сичқонбой билан кўнгизбой, Тулки билан турна, Уч тулки, Лайлак, тулки ва бўри, Хаккаой, Ҳийлагар бедана, Тулkichак, Тулки билан товус, Кийик билан кади, Одамзўр, Бузоқ буқа, улоқ така ва кўзи кўчқор, Эчки, бузоқ, эшак ва қирқ бўри, Эчкининг ўч олиши, Уч ёлгондан қирқ ёлгон.*

Хулоса қилиб айтганда, занжирлилик ҳодисасини биргина занжирли (кумулятив) эртаklar доирасида ўрганиш унинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Бизнингча, занжирлиликни юқорида таъкидлаганимиз каби **занжирли (кумулятив) эртак, занжирли мотив** ҳамда **занжирли сюжет** тарзида ажратиб тадқиқ қилсак, масалани теъранроқ англаймиз.

¹³ Мусакулов А. Уч эчки эртаги хусусида // Соғлом авлод учун. – Тошкент: 1997. – № 7. – Б.21-22.